

O‘zbekiston Respublikasi

Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi

SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI

XORIJIY FILOLOGIYA

til • adabiyot • ta’lim

ilmiy–uslubiy jurnal

Samarqand

4(77)/ 2020

**Ministry of Higher and Secondary Special
Education of the Republic of Uzbekistan**

SAMARKAND STATE INSTITUTE OF FOREIGN LANGUAGES

FOREIGN PHILOLOGY

Language • Literature • Education

Scientific-methodology journal

Samarkand



ЗЕБУННИСОБЕГИМ ШЕЪРИЯТИДА БАДИЙ САНЪАТЛАР

Каримова Сафия Расуловна,

СамДЧТИ катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди

Таянч сўз ва иборалар: таносуб, истиора, тамсил, ташбеҳ, тазмин, иқтибос, муболага, талмеҳ, зулқофиятайн, тазод, радиф, тансиқ ус-сифат, тимсол, тажохул ул-ориф, қофия, назира, татаббу, ирсолу масал.

Шоира Зебуннисобегим ўз ижоди билан бобурийлар даври адабиёти ривожига саомокли улуш кўшди. Зебуннисобегим шеъриятининг Лутфий, Бедил, Саккокий, Атоий, Алишер Навоий, Бобур каби адабиётимиз намояндаларининг ижодий мактабидан озиклангани сезилиб туради. Шоира асарлари ўз даврининг бадий маҳсули бўлиб, унинг ижодида оригинал ташбеҳ, ёрқин тасвир ва ўзига хос бадий кайфият ва лавҳалар анчагина учрайди.

Зебуннисобегим шеъриятини мумтоз бадийат меъёрлари асносида тадқиқ этар эканмиз, у нафақат ориф ижодкор, балки ёр гўзаллигини таърифу тавсиф этувчи ва унинг муҳаббати ситамларидан куюнувчи лирик шоира сифатида ҳам кўз олдимизда бор бўй-басти билан гавдаланади. У лирикада аниқ шеърий маромга амал қилади. Унинг асарларида фикр аниқлиги ва мисраларнинг равонлиги ибратли ҳикояларга ишоралардан, бениҳоя гўзал ёр таърифининг жозибасидан билиниб туради. Шоира маъшуқа образини яратишда ва унга мурожаатда анъанавий бадий тасвир воситаларини моҳирона қўллаш баробарида ўзига хослик ҳам намоён қила билган. Зебуннисобегим шеъриятда маънавий ва лафзий санъат турларидан унумли фойдаланган. Айтиш мумкинки, у кўп ўринларда ўзига хос кашф даражасидаги бадийатга эриша олган. Кўпгина шеърлар унинг бу маҳоратига ёрқин далил.

Зебуннисобегим шеъриятда лирик қаҳрамонини мароқ билан сержозиба тасвирлайди:

*Жамолнинг сафҳасидин сабз ўлуб
бир мушки райҳонинг,*

*Тамозиини Чаман ё боғ аро гулзора
ўҳшаттим.*

Мазмунан бир-бирига яқин бўлган “Чаман, боғ, гулзор” – таносуб ҳосил қилиб, чиройли далилловчи хусни таълил санъатига асос бўлмоқда. Ёки, яна ниҳоятда таъсирли ва оригинал ифодадан байтлардан бири:

*Вужудим Шаҳрининг
Искандарисан, бандадур ақлим,*

*Раъийят – ҳушу идроким, ҳаёлим
– поси бедоринг.*

Аввало, бунда бадий тасвир воситаларидан истиора, тамсил ва ташбеҳ ғоят гўзал шаклда қўлланган. “Вужуд Шаҳри” – истиоравий ифода бўлиб, шоир қалбини забт этган “камарталъат” ни мантиқан унга подшоҳ ҳисоблайди. Искандарнинг шохлигига ишора тарзида, уни мисол келтириб, асосли тамсил топади. Энди, албатта мамлакатда шох бўлгач, унинг тобеси халқ ва посбонлари ҳам мавжуд. Ошиқнинг ақли – искандармисол маъшуқага банда, ҳушу идроки – раият, ҳаёли доимо бирга бўлгучи – посбон. Бу эса шоира ҳиссиётлари моҳирона ўхшатиш ташбеҳи тавсифдир.

Шоира шеъриятда лирик-ҳиссий жонланиш кўп учрайди. Мумтоз адабиётимиздаги гўзал анъаналардан бири ҳам ана шу каби жонланишларни бадий тарзда тасвир этувчи санъат асари яратмоқликдир. Фикрни бадий ифодалашда кўплаб шеърий санъатлар қўлланилади. Мисол учун, тазмин санъатининг намунаси “Ёввойи чоргоҳ” куйида айтилувчи кўшиқ тарзида машҳур бўлган: Тийра дилимни равшанисиз, рўшно келинг, дея бошланувчи муҳаммас шу санъат воситасида битилган,



шунингдек, шоира кўплаб асарларида Каломи Шарифнинг ўндан ортик сураларига мурожаат этган, бу эса иктибос бадий санъати намуналаридир. Унинг воситасида Қуръони каримнинг оятларига очик ёки ярим очик ишоралар, уларнинг маъноларини шеърий контекстда очиб бериш намуналарига диққат этилса, ижодкордаги юксак маънавий ва маърифий савия ҳамда баланд таъсир сезилади.

Мумтоз шеърият намуналари, хусусан, ғазал матнининг таҳлил ҳамда талқини унинг ғоясини изоҳлайди. Ундаги бадиият орқали ижодкорнинг руҳий оламига кириб борилади, асар моҳияти ечилади. Бу эса кейинчалик асарнинг яратилиши ҳақидаги турли тахминларга йўл очмайди.

Шоира яна бошқа бир ғазалида ёр тасвири ва ошиқ ҳолатини образли тасвирлар экан, ёрни “лайливал”, “гулузор” деб атади. Унингча, дашту далалардаги сувлар сув эмас, ошиқнинг конли ашиқдир. Бунда шоира муболаға орқали тасвир кучини яна ҳам оширади. Ушбу ғазал тадрижида қизил ранг билан боғлиқ ўринларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

Қизорган гул эмас ҳар боғ аро бир гулистон ичра,

Тулу қун ёрни ҳажрида чашми хуннисоримдур.

Кўринса шуълаеким барқ деб он хаёл этманг,

Ўт эмас яшнаган жисмимда, мавж урган шароримдур.

“Қизарган гул”, “чашми хуннисор”, “кўкси доғдор”, “ўт”, “шарор” каби сифатлашлар ранг жиҳатидан мос бўлиб таносуб санъатини ҳосил қиляпти. Ғазалда мазкур бадий санъат шоирнинг ғоявий-бадий ниятини образли юзага чиқаришда асосий усуллардан бири ҳисобланади. Ишқ алангасида ўртанган ошиқнинг доимий насибаси, улфати - ғам, макони - вайроналар, хатто хешу табори - авлодаждодлари ҳам кулфатдир. Шоира шундай ташбеҳ орқали ошиқнинг руҳий аҳволи ҳақида сўз юритади.

Зебуннисобегимнинг “Бу ердадур” радифли ғазали ўзининг мусикийлиги,

уйноқи оҳанги билан енгил ўқилади. Тасвирларнинг ёркин, услубнинг соддалиги жиҳатидан халқ кўшиқлари руҳига яқин бу ғазалнинг матлаи қуйидагича:

Зулфи халқа-халқау кўзи қаро бу ердадир,

Боқини шафқатли-ю, позик адо бу ердадир.

Бир ғамза била сен мени девона қилурсан.

Кейинги байтда маъшуканинг киприги, қоши тасвирланади ҳам “Карбало” дашти воқеаси талмех сифатида қўлланилади.

Киприги - ханжар, қарашма-тигу кўз ташлаш яшиш,

Гар шаҳид бўлмоқчи эрсанг, Карбало бу ердадир.

Зебуннисобегим тасвиридаги маъшуканинг кўзлари жаллод, у ошиқнинг бор жаҳонини барбод қилади. Унинг киприклари кескир шамширга ўхшатишмоқда.

Мумтоз адабиётда ёр сочининг сунбулга ўхшатилиши анъана. Лекин ошиқнинг маъшукани тарок (шона) дан рашк қилиши камдан-кам шоирларда учрайдиган лавҳадир. Шоир тимсоллар яратиш ва ифода усулларини қўллашда ўзига хос йўлдан боради. Зебуннисобегимнинг ғазалида эса лирик қахрамоннинг ёр сўзларидан кўнгил қувнаши, демакки, у билан кўриша олгани тасвирланади.

“Йўқ” радифли ғазалини Зебуннисобегимнинг ҳам шаклий, ҳам бадий изланишларининг самараси сифатида кўрсатиш мумкин. Ғазал қуйидаги матла билан бошланади:

Юзингни кўрмасам, эй ёр, мени бир дам қарорим йўқ,

Бўлиб рози ўлимга, бу жаҳон ичра турорим йўқ.

Ошиқ ҳолати тасвирланган ушбу ғазалда зулқофиятайн, тазод санъатлари орқали шоирнинг ғоявий нияти поэтик акс эттирилган:

Ки хоҳ лутфу вафо қилгилки, хоҳ жавру жафо қилгил,



*Бошим тандин жудо қилгилки,
сендин ўзга ёрим йўқ.*

Вафо, жафо сўзлари зид маъноли бўлиб, тазод санъатини юзага чиқармоқда, айни вақтда, бу сўз жудо сўзи билан бирга мисралараро келиб, ички кофияни юзага келтирган. “Қилгил” эса байт мисраларидаги ички радифдир. Кейинги байт мисралари ички кофияланган.

*Менки қулингдур ўлгунча, ўлуб
тупроққа ботқунча,*

*Қиёмат тонги отқунча бу қулликдин
тонорим йўқ.*

Лирик мухаммасларда шоирнинг маъшука тимсолини акс эттиришида, унинг ташки киёфасини батафсил тасвирлашда бу шакл Зебуннисо учун анча қулай имконни беради.

Шоира “фалак давринда, жоно...” деб бошланадиган мухаммасида ёрни лаби лаъл, юзи кизил гул, кошлари хурларникидек, қадди суман, тани қумушдек, гўё гулдан кийим кийган, бели нозик, кўзи ошиқни ўлдирадиган жаллод, киприклари ўқ каби тавсиф қилади:

*Фалак давринда, жоно, эй пари,
жисм ичра жонимсан,*

*Лаби лаълу, юзи гул, хурваши
абрукамонимсан.*

*Суманбар, сиймтан, гултираҳан,
нозикмиёнимсан,*

*Кўзи жаллоди ошиққуш, ажаб
мижгонсинотимсан.*

*Қаю гулшан гулсан, ё хурони
жаҳотимсан.*

Ушбу мухаммас ёр тавсифи билан бошланиб, биринчи ва иккинчи мисралардаги сифатларнинг уюшиши тансиқ ус-сифатни ҳосил қилган. “Тансиқ ус-сифат улдурким, бир нимани изма-из келган бир неча сифат била таъбир қилурлар” [Хусайний А. 1981: -132 б].

Бешинчи мисрада шоира тажохул-ул ориф санъатини қўллаб, гўзал бадий ифодага эришган. Тажохул-ул ориф шундай санъатки, “сўзлагувчи бир нимани билур, аммо, бир нукта била ўзни билмагандек кўрсатур”. Бу ўринда шоирнинг ёрдан ким эканлигини сўраши тажохул-ул орифдир.

Шоира ёрни тавсиф қилар экан, тажохул-ул ориф санъатидан фойдаланиб, ёрнинг гўзаллигига кучлироқ урғу беради. Унинг фикрича, маъшука қанчалик гўзал бўлмасин, ошиқ унинг йўлида жон фидо этмасин, у бепарво, берган ваъдасининг устидан чиқиши даргумон. Маъшука гоҳ ситам қилади, гоҳ меҳрибонлик қилади. Зебуннисобегим ишқий шеърлари учун аввал ёрни тавсифлаб, сўнг унга мурожаат этиши характерлидир.

Маъшука тимсоли тавсифи, ошиқ ҳолати баёни ва ишқнинг қудратини тавсифлаш шоирнинг кўпчилик лирик мухаммас ва ғазаллари учун хос хусусият. “Бўлмаса” радифли лирик мухаммасида шоира ушбу баёнларни кенгайтириб, санобар қадли гўзал маъшукани боғда учратиб қолиш орзуси ҳақида боғбонга қарата мурожаат қилади. Ҳажажи мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган ушбу мухаммасда ошиқ кўриниши муболағали тасвирланган:

*Мавж урар хуноба ашким кўзларим
дарёсидин,*

*Жон қуши парвоз этарга қасд этар
маъвосидин,*

*Оҳким, ўлдум гўзаллар нозу
истиғносидин,*

*Инқилоб ўлди кўнгуллар қошининг
извосидин,*

*Тинчимас жону кўнгул бир
сулҳпарвар бўлмаса. (15- б)*

Жоннинг қушга ўхшатилиши ва унинг парвозга тайёр тургани ўзига хос ташбеҳ бўлиб, ошиқнинг жонфидолилиги, безовта рухий ҳолати тасвирланади.

Лирик шеърлар ичида Зебуннисобегимнинг Камрон асарлари руҳида ва услубида ёзилган, кофия ва радифи ҳам айнан бир хил бўлган мухаммас учрайди. Айтиш керакки, давр адабиётида назира, татаббу битиш анъана эди. Зебуннисобегим мухаммасда “Аклу хуш учти бошимдин, эй пари, девонаман” қаторини биринчи мисрага чиқариб, ундаги мазмунни қучайтиради ва янги тафсилотлар билан бойитади.

*Сабру ҳушум ҳам кетибдур,
телбаман, девонаман,*



*Пурзиёлиг бобида сен шамъу мен
парвонаман,*

*Булмасал машхури халойиқ, чуздек
вайронаман,*

*Ғурбат аҳлидин бўлай десанг яна
бегонаман,*

*Бу жамолли нарғисингдин ўт била
ҳамхонаман.*

Зебуннисобегим тасвиридаги маъшуканинг кўзлари жаллод, у ошиқнинг бор жаҳонини барбод қилади. Унинг киприклари кескир шамширға ўхшатилмоқда. Шоир тимсоллар яратиш ва ифода усуллари кўллашда ўзига хос йўлдан боради.

Куйидаги байтда эса шоир гўзал ташбеҳ билан агар овоз бўлмаса, най курук чўпдир, деган ифодани келтиради:

*Кўринг овозни қайди келур ҳаргиз
бир чуби хушкдур,*

*Ки, ҳар тан ичра жондур ул, билинг
саттор дейдурман. (58 б.)*

Жоннинг вужуд ичидаги ҳолати, яъни баданнинг руҳни ёпиб туриши (саттор – ёпиб турувчи) курук чўпдан овоз чиқаётган - найга қиёсланмоқда.

“Қочар” мухаммасида ҳам замон мардумлари, уларнинг феъл-атворлари ҳақидаги танкидий фикрлар ривожлантирилади:

*Найлай, замон мардуми бир рост
юрмаса,*

*Допо юзини жону дили бирла
кўрмаса,*

*Парвонадек ўзин бориб шамъига
урмаса,*

*Яхши суҳан они даҳонида турмаса,
Бу ҳам масалки, итлик эшикдан гадо
қочар. (123-б.)*

Мухаммасда тафаккур аҳли, доно инсонлар гўё шамға ўхшайди. Ёруғлик

тарқатиб, барчага тенг зиё улашади. Замон мардумлари эса парвонадек бу зиёга талпинишлари керак. Агар одамлар яхшилардан инсоний фазилатларни – яхши суҳанликни ўрганмасалар, ити бор ховлидан гадо қочгани сингари атрофдагилар улардан узоклашадилар. Шоира донони шамға, мардумни парвонага қиёслаб фикрини образли, мохирона ифодалаган. Ирсолу масал санъатининг кўлланиши – “итлик эшикдан гадо қочар” мақоли эса мазкур бандда ўзига хос бадиий ифодани таъминлаган.

Хуллас, Зебуннисобегим лирикасининг ҳам ғоявий, ҳам бадиий етук бўлишида шарқ мумтоз адабиёти анъаналари ва халқ оғзаки ижодининг роли муҳим бўлган. Унинг ижодида ўтмиш салафлар бадииятига хос ифода усуллари, услуб ҳамоҳанглиги, бадиий ғоя ва фикр йўсинига хослик кузатилади.

Зебуннисобегим гўзал лирик асарлар ёзиб, мумтоз адабиёт анъаналарини ўзига хос давом эттирди. У баркамол инсонни, маънавий фазилатларни, борлик гўзалликларини, шахс эркини куйлади. Лирик шеърларида шоиранинг қаҳрамони ёрнинг жабру жафоларига сабру қаноат қилувчи садоқатли чин ошиқ тимсолида намоён бўлади. Зебуннисобегим маъшуқа тимсолини яратишда ва тавсифлашда бадиий маҳорат билан ўзига хос образли ифодалар, бадиий кайфиятлар яратди. Висол шодликлари, хижрон азоблари тасвирланган шеърларда шоирнинг инсонга муҳаббати ва ҳаётга бўлган умидли нигоҳи кузатилади. Унинг шеъриятига бадиий маҳорат, халқона нутқ ва самимийлик хосдир.

Адабиётлар:

1. Ҳожирахмедов А. Шеърини санъатлар ва мумтоз кофия. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 165 б.
2. Ҳусайний А. Бадоеъ ус – саноеъ. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – 239 б.
3. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: “Фан”, 1961. – 34 б.
4. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: “Фан”, 1983. – 25 б.



5. Ҳаққулов И. Шеърят – рухий муносабат. –Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. - 92 б.
6. Қуръони Карим. - Тошкент: 1992. - 124-125 б.
7. Ҳадислар. – Тошкент : 1991. - 95 б.

Каримова С. Художественные средства в поэзии Зebunnisobegim. В статье анализируются художественные средства и стилистические приёмы, искусно использованные в поэтических произведениях принцессы из династии бобуридов, поэтессы Зebunnisobegim.

Karimova S. Literary means in Zebunnisobegim's poetry. The article analyzes literary means and stylistic devices which were skillfully used in the poetic works of the princess of Bobur's dynasty, poetess Zebunnisobegim.